

Тарихий ҳақиқат



19:00 / 02.11.2021 3553

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

وَسُوْفَن يَلْعَلْ لِيْٓرْسِيْ مَّرْحٰمٍ اِلٰٓلِيْٓرْسِيْ يَنْبَلِّحَنَّ اَكْمَاعٌ طَلَالُكُ
مُتْنُكُ نِ اِهْوَلْتَا فِ اَرْوَاتِلَابٍ اُوْتَا فِ لُقُ ؕ اَرْوَاتِلَا لَزْنُتْ نَا لَبَقْ نَم
نِيْقِدَا ص

Таврот нозил қилинишидан олдин Исроил ўзига ҳаром қилгандан бошқа ҳамма таом Бану Исроилга ҳалол эди. «Агар ростгўйлардан бўлсангиз, Тавротни келтириб, ўқинглар», – деб айт! (Оли Имрон сураси, 93-оят).

Маълумки, яҳудийлар Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарликларига таъна тошини олишга доимо ҳозир нозир бўлганлар. Ҳамиша мусулмонлар орасида фитна қўзғаб, уларнинг қалбларида шак-шубҳа уйғотиш учун зиғирча ҳам имкониятдан фойдаланар эдилар. Аллоҳ таоло Муҳаммад алайҳиссаломнинг Тавротни тасдиқловчи эканликларини баён қилган оятларини нозил қилганидан кейин яҳудийлар: «Қуръон Тавротни тасдиқловчи бўлса, нима учун Таврот Бану Исроилга ҳаром қилган таомларни ҳалол демоқда?» деган гап тарқатишди ва бунга мисол қилиб, туянинг гўшти ва сутини келтиришди. Бану Исроилга ҳаром қилинган яна бошқа нарсаларни ҳам Аллоҳ мусулмонларга ҳалол қилган эди. Қуръони Карим уларни тарихий ҳақиқат билан юзма-юз қўйиб:

«Таврот нозил қилинишидан олдин Исроил ўзига ҳаром қилгандан бошқа ҳамма таом Бану Исроилга ҳалол эди», – демоқда.

Исроил Яъқуб алайҳиссаломдирлар. Ривоятларда келишича, Яъқуб алайҳиссалом оғир касал бўлиб ётганларида, агар Аллоҳ шифо берса, энг яхши кўрган таомларини – туянинг гўшти ва сутини емасликни назр қилган эканлар. Аллоҳ бу назрни қабул қилди. Шунингдек, Аллоҳ таоло Бану Исроилдан содир бўлган гуноҳлар туфайли уларга иқоб суратида баъзи ҳайвонларни ҳамда мол билан қўйнинг чарвисини ҳам ҳаром қилган эди. Ҳолбуки, булар Таврот тушишидан олдин Бану Исроилга ҳалол эди.

Қуръони Карим ушбу ҳақиқатни уларнинг эсига солмоқда. Шу билан бирга, Набий алайҳиссаломга уларга қарата:

«Агар ростгўйлардан бўлсангиз, Тавротни келтириб, ўқинглар», – деб айт!» – деб йўл кўрсатмоқда. Агар улар Тавротни келтириб, ўқисалар, ўша таомлар фақат ўзларига ҳаром қилингани, бошқаларга ҳаром эмаслиги аён бўлади.

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди